

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МИРАЛИЕВА ДИЛАФРУЗ ТАХИРОВНА

**АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАРДА
ОММАВИЙ МАДАНИЯТГА ҚАРШИ КУРАШУВЧАНЛИК
КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of the abstracts of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Миралиева Дилафруз Тахировна

Аждодларимиз мероси воситасида талабаларда оммавий маданиятга қарши
курашувчанлик кўникмасини шакллантириш..... 3

Миралиева Дилафруз Тахировна

Формирование у студентов навыка борьбы против массовой культуры с
помощью наследия предков 23

Miralieva Dilafruz Takhirovna

Formation of students' ability to resist mass culture based on the heritage of their
ancestors 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МИРАЛИЕВА ДИЛАФРУЗ ТАХИРОВНА

**АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАРДА
ОММАВИЙ МАДАНИЯТГА ҚАРШИ КУРАШУВЧАНЛИК
КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped503 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Шодмонова Шоира Саидовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Куронов Муҳаммажон Куронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Маҳмудова Муяссар Маҳмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Чирчиқ давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03.30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» 05 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: Samdu_Ped_kengash@mail.ru).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» 05 куни тарқатилди.
(2021 йил «11» 05 даги 142 рақамли реестр баённомаси).




Х.И.Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор


Ш.П.Ураков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед ф б


Н.Ш.Шодиёв
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнининг жадал суръатларда ривожланиб бориш шароитида “оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқсизлик, дидсизлик ва бузғунчиликни тарғиб қилиш, халқларнинг миллий илдизларидан узоқлаштиришга бўлган ҳаракатларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Етакчи олий таълим муассасалари томонидан таълим мазмунига халқларнинг маънавий қадриятлари, маданий мерос ва анъаналарни сингдириш орқали жамиятнинг олий маълумотли етук мутахассис кадрларга бўлган талабини сифатли қаноатлантириш омили сифатида қаралмоқда.

Халқаро миқёсда нуфузли илмий тадқиқот муассасалари ва марказларида “оммавий маданият”нинг мазмун-моҳияти, инсон ва жамиятга салбий таъсирлари ҳамда оқибатлари, шаклланиш омилларини ўрганиш, таълим жараёнларида “оммавий маданият”га қарши курашишга оид кўникмаларни шакллантириш усуллари, воситаларини такомиллаштириш, илғор педагогик ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда ва бу борада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Мазкур тадқиқотлар халқлар тарихи, тажрибаси, ўтмишдаги аجدодлардан қолган манбалар, ўғитлар ва ғояларга асосланганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшларни маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этишда аجدодлар мероси, жумладан, тасаввуф илми, нақшбандия таълимоти ва халқ педагогикасига қаратилган юксак эътибор ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларда теран дунёқараш, соғлом эътиқод, маърифатлилик, маънавиятлилик каби фазилатларни шакллантириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Республикамизда диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида “ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса кўшган аجدодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш, “... глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда тасаввуф илми ва нақшбандия тариқати ғоялари ҳамда халқ педагогикаси манбаларининг педагогик имкониятларини назарий-амалий жиҳатдан асослаш, халқ анъаналарининг фалсафий, психологик, педагогик жиҳатини тадқиқ этиш, аجدодлар мероси ва миллий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон фармони. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 18.04.2018 й., 06/18/5416/1079-сон, 1-модда.

анъаналардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий–ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимиини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. ”Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Баркамол шахс, уни шакллантириш ҳақидаги ғоялар бундан бир неча юз йиллар аввал яратилган “Авесто”, “Кул-Тегин” битиктоши, мукаддас “Қуръони Карим”да, буюк аждодларимиз Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Бухорий, Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур ва бошқа ватандошларимизнинг таълимотларида ўз аксини топган.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялаш муаммолари педагог олимлар М.Қуронов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Ш.Қурбонов, Р.Сафарова, Р.Джураев, Н.Артиқов, М.Махмудова, Н. Комилов, Г.Наврўзова, Д.Рузиева, Г.Маҳмутова, М.Юлдашева, К.Қиличева, М.Ҳайдаров, С.Рахмонова, Н.Алметов, З.Исмоилова, Ш.Шодмонова, Д.Кенжаева, Ш.Мустафаев, Н.Ортиқов, Ш.Тойлоқова, Б.Шермуҳаммедов, Б.Ахраров, А.Аллияровларнинг ишларида ўз тадқиқот объектлари даражасида ёритилган.

Ўзбекистонлик файласуф, тарихчи, сиёсатшунос олимлар А.Эркаев, Н.Жўраев, А.Очилдиев, М.Қаҳҳорова, Г.Туленова, Ф.Равшанов, С.Отамуратов, Ш.Ғоибназаров, А.Суюнов, Ш.Акрамова, Н.Эшчанова, Б.Сапаров, Ф.Мадрахимоваларнинг ишларида ўз тарихини пухта билиш, тарихий жараёнлар моҳиятини тўғри англаш, ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиш, халқ қаҳрамонларидан ибрат олиш, ёшларни

миллий ифтихор ва ғурур туйғусига эга бўлишлари ва шу орқали мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ҳақидаги фикр ва таҳлиллар ўз аксини топган.

Психолог олимлардан М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Т.В.Тулупьева, С.Д.Шаропова, Б.М.Умаров, Х.Жабборовларнинг ишларида эса баркамол шахс психологияси, шахсда юксак маънавият ҳамда соғлом мафкуравий ғояларни шакллантиришнинг психологик йўллари каби муаммолар илмий тадқиқ этилган.

“Оммавий маданият”, унинг ўзига хос хусусиятлари, “оммавий маданият”га бўлган турлича муносабат, унинг ривожланиш тенденциялари каби масалалар чет эллик мутахассислар Х.Ортеги-и-Гассет, В.Беньямин, М.Хоркхаймер, Д.Рисмен, А.Кукаркин, Бьюкенен, Карл Ясперс, Э.Фромм, Эрнест ван ден Хааг, Жан Бодриар, Ж.Кедейбаева, А.Аблаев, Г.Коломиц, Р.Токсаналиева, М.Кенжебай, Н.Крохиналарнинг ишларида таҳлил қилинган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, “Аждодларимиз мероси воситасида талабаларда оммавий маданиятга қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш” муаммоси бугунги кунга қадар махсус диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФЗ-2016-0909111822-рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган(2016-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади аждодларимиз мероси воситасида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга асосланган таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик асослари, шакл, метод ва воситаларини аниқлаштириш, илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“оммавий маданият”га қарши кураш жараёнининг вужудга келиши ва ривожланиш йўллари аниқлаш;

талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда тасаввуф илми ва нақшбандия тариқати ғоялари ҳамда халқ педагогикаси манбаларининг педагогик имкониятларини назарий- жиҳатдан асослаш;

талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделини такомиллаштириш;

аждодларимиз меросида ифодаланган қарашларнинг талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришнинг педагогик асослари, шакл, метод ва воситаларини аниқлаш ҳамда самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аждодлар мероси воситасида олий таълим муассасалари талабаларида “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Андижон давлат университети, Гулистон давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 19 нафар профессор-ўқитувчилари ҳамда 396 нафар талабалари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети олий педагогик таълим тизимида педагогика туркум фанларини ўқитишда ҳамда аудиториядан ташқари педагогик жараёнларда талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришнинг мазмуни, методи, шакл ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тарихий материалларни ўрганиш, суҳбат, кузатиш, савол-жавоб, анкета сўровномалари, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, педагогик эксперимент, умумлаштириш, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“оммавий маданият”нинг ёшлар онгига сингдиришга қаратилган руҳий-мафкуравий таъсир воситаларига қарши кураш жараёнларнинг профилактик имкониятлари аждодлар меросининг маънавий таҳдидлар, бузғунчи ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш концепциялари (тасаввуф илми, нақшбандия тариқати, халқ педагогикаси асосида) ҳамда аждодлар меросини тизимли ўрганиш асосида ривожлантирилган;

тасаввуф илмининг маънавият ва маданиятни юксалтириш учун зарур бўлган илм-маърифат излаш, ўз-ўзини қайта тарбиялашга йўналтирилган қоидалар (10 қоида) ҳамда нақшбандия тариқатининг маънавий-ахлоқий йўналишлари (миллий ва умуминсоний кадриятлар), халқ педагогикаси манбаларининг талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришдаги имкониятлари таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик параметрларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

тасаввуф илми ва нақшбандия тариқатида илгари сурилган ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, илм излашга интилиш каби ғоялар, халқ педагогик тафаккури маҳсули бўлган мақоллар, кўшиқлар, дostonлар, ҳадислар, халқ ўйинлари, анъаналар талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш воситалари эканлиги аниқланиб, педагогик жараёнда тизимли тарзда фойдаланиш механизмлари рефлексия усулини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар тузилмаси тасаввуф илми, нақшбандия тариқати, халқ педагогикаси меросидаги (қалб ва рух тарбияси, суврат ва сийрат бирлиги, вужуд поклиги, хурфикрлилик, ҳақиқатни англашга интилиш) педагогик таъсир воситалари таркибини (лойиха, суҳбат, саёҳат, намойиш қилиш, махсус курслар, китобхонлик кўникмаларини ривожлантириш) белгилаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Аждодларимиз мероси бўлган тасаввуф таълимоти, нақшбандия тариқати ва халқ педагогикаси асосида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш жараёнининг методик жиҳатлари бойитилган;

талабаларда “оммавий маданият” ва унга қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделидан амалиётда фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган;

талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда аждодларимиз мероси ва халқ педагогикаси манбаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик параметрлари аниқлаштирилган, таълим мазмуни такомиллаштирилган;

талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда аждодларимиз мероси ва халқ педагогикаси манбаларидан аудиториядан ташқари жараёнларда фойдаланишга оид метод ва инновацион технологиялар, методик йўриқномалар, тавсиялар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқ этилаётган муаммога тарихий-фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган респондентлар сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмуни билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аниқланган илмий ёндашувлар, қарашлар, ғоялар, талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш жараёнининг модели, махсус курс лойиҳаси педагогика фанини бойитиш ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аждодларимизнинг баркамоллик тарбиясига оид тарихий тажрибалари, уни амалга ошириш воситалари, шакллари ва усулларининг аниқланганлиги, мавжуд тажрибалардан бугунги кунда таълим амалиётида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш ва аждодларимиз мероси воситасида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга оид илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аждодларимиз мероси воситасида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“оммавий маданият”нинг ёшлар онгига сингдиришга қаратилган руҳий таъсир воситаларига қарши профилактик жараёнларни ривожлантириш мақсадлари, аждодлар меросининг маънавий таҳдидлар, бузғунчи ғояларга

нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш имкониятлари (тасаввуф илми, нақшбандия тариқати, халқ педагогикаси), тасаввуф илмининг маънавий ва маданиятни юксалтириш учун зарур бўлган, илм-маърифат излаш ва ўз-ўзини қайта тарбиялашга йўналтирилган қоидалар (10 қоида) ҳамда нақшбандия тариқатининг маънавий-ахлоқий йўналишлари (миллий ва умуминсоний қадриятлар)га оид тавсияларидан Ф1-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги 89-03-2983-сон маълумотномаси). Натижада “оммавий маданият”га қарши кураш жараёнининг вужудга келиши ва ривожланиш йўллари, унинг жамият аъзоларининг маънавий-ахлоқий ҳаётига кўрсатадиган салбий таъсирини очиб беришга хизмат қилган;

“оммавий маданият”га қарши кўникмани шакллантириш усуллари (билишни ва тажрибани шакллантириш, рағбатлантириш), халқ анъаналарининг фалсафий, психологик, педагогик жиҳатига қаратилган инсон тарбиясига оид функциялар (халқ педагогикаси дурдоналари, халқ оғзаки ижодиёти, урф-одат, расм-русум ва анъаналардан фойдаланиш)га оид таклифлари “Педагогика” энциклопедиясининг 2-жилди мазмунига сингдирилган (“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти) (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги 89-03-2983-сон маълумотномаси). Натижада “оммавий маданият” тушунчаси ва унга қарши кураш усуллари ажодлар меросини, халқ педагогикаси манбаларини таҳлил қилиш асосида ривожлантирилганлиги аниқланган;

оила, маҳалла, таълим муассасаси ва оммавий ахборот воситаларининг ажодлар мероси ва миллий анъаналар бўйича ҳамкорлик фаолияти, талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган махсус курслар мазмунига оид таклифларидан бакалаврият йўналишлари учун “Маънавий асослари” ва “Тарбиявий ишлар методикаси” фанлари бўйича Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги 89-03-29-83-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда аудитория ва аудиториядан ташқари педагогик жараёнларда ажодларимиз мероси бўлмиш халқ педагогикаси маҳсули бўлган ҳадислар, ҳикматлар, кўшиқлар, дostonлар, мақоллар орқали “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш имкониятлари юзага келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4та халқаро ва 5та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда ислом дини таълимотлари ва қадриятларига зид келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Муслмонлар идорасининг тегишли хулосаси олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш 3 та услубий қўлланма чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, уч боб, 8 та параграф, умумий хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича ўзбек ва хорижий олимларнинг илмий тадқиқотлари шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “оммавий маданият” тушунчаларининг талқини, “оммавий маданият”нинг вужудга келиши ва унинг жамият аъзоларининг маънавий-ахлоқий ҳаётига кўрсатадиган салбий таъсири, “оммавий маданият” ва унга қарши кураш жараёнининг вужудга келиши ва ривожланиш йўллари, мазкур масалага доир мамлакатимиз ва жаҳон олимларининг илмий тадқиқот ишлари, шу соҳада олиб борилган илғор тажрибалар назарий-методологик асос сифатида илмий таҳлил қилинган. Диссертацияда “оммавий маданият”нинг мақсади, салбий оқибатлари, асосий белгилари, таснифи келтирилган. “Оммавий маданият”га қарши бўлган танқидчилар унинг салбий томонларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Бунда улар “оммавий маданият”нинг паст даражада синовчанлиги, маҳсулотларининг пасткашликни тарғиб қилиши, паст савияли кишилар учун яратилиши, ижодга эмас, балки истеъмолга йўналтирилганлиги, инсонларда санъатга нисбатан юқори даражадаги эҳтиёжни шакллантирмаслиги, аксинча дидсизликни тарбиялашини таъкидлайдилар. “Оммавий маданият”нинг асосий салбий жиҳатлари сирасига танқидчилар унинг эрмак, овунчоқ сифатида шунчаки вақт ўтказишга хизмат қилишини ҳам кўрсатиб ўтганлар.

Тадқиқот ишида “оммавий маданият”нинг учта асосий: китч-маданият, мид-маданият, арт-маданият каби кўринишлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари изоҳланади.

Илмий-назарий адабиётлар таҳлили “оммавий маданият”нинг салбий оқибатларига қарши курашиш ғоялари бундан бир неча йиллар аввал вужудга келганлигини кўрсатади. Дастлаб 1870-1890-йилларда Буюк Британияда аҳолининг умумий саводхонлигини ривожлантиришга эътибор қаратилган. Бу тажриба кейинчалик бошқа Европа мамлакатларида ҳам кенг қўлланган. Шу тариқа аста-секин “оммавий маданият”га қарши курашиш жараёни вужудга кела бошлаган.

Ёт ғояларга қарши курашиш ўзбек миллати ҳаётида анча илғари бошланган. Илғор фикрли зиёлилар ёт ғояларга қарши курашишда алоҳида тажриба тўплаганлар ва ўз тажрибаларини таълим-тарбия воситасида ёшлар онгига сингдирганлар. Миллий маънавиятнинг бир неча асрлар давомида такомиллашиши натижасида ўзбек халқи ёт ғоялар, мафкуравий хуружларга қарши курашишнинг самарали воситалари, усуллари, йўлларига эга бўлган.

Халқнинг тарихий маънавияти ва маданияти қанчалик бой бўлса, ундан фойдаланиш имкониятлари ҳам шу қадар кенг бўлади. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми бўлган баркамол шахсни шакллантириш ғояси “оммавий маданият”га қарши курашиш, ёшларда ўзлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам буюк мутафаккир аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий қарашларини ўрганиш ва бу буюк педагогик фикр намояндаларининг бунёдкор ғояларини таълим-тарбия жараёнига олиб кириш ҳамда улар воситасида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш давр талабидир. Бу муаммо ечимининг муҳимлиги куйидагилар билан изоҳланади. **Биринчидан**, бугунги кунга келиб аждодларимиз томонидан барпо этилган ҳаётбахш ғоялардан фойдаланган ҳолда жамият аъзолари, айниқса ёшлар маънавиятини шакллантириш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда. **Иккинчидан**, аждодларимиз томонидан яратилган педагогик кадриятлар, маънавий мерос намуналари, жумладан, баркамол шахсни шакллантириш ғоясининг намояндалари Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Хованди Тохур, Хожа Аҳрор Валий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг шахс маънавий маданиятини юксалтиришга оид қарашларини ёш авлод онгига етказиш, давр талаблари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда олий таълим тизимига татбиқ этиш ва талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда мазкур меросдан фойдаланиш йўлларини аниқлаш зарурияти мавжуд. **Учинчидан**, ўқувчи ҳамда талабаларга миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларни “оммавий маданият” хуружларидан асраш зарурияти кучаяётган ҳозирги шароитда мазкур маънавий меросга бўлган қизиқиш ниҳоятда ортиб бормоқда. **Тўртинчидан**, миллий истиқлол ғоясини талабалар онгига сингдириш, уларни “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ бўлишга ундашнинг муҳим, таъсирчан воситаларидан бири – аждодларимиз мероси ҳисобланади. Чунки бебаҳо маданий кадрият ҳисобланган ушбу меросда ҳақгўйлик, инсонпарварлик, фидоийлик, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, оилапарварлик, шарм-ҳаё, эркаклик ғурури каби олижаноб инсоний фазилатларни эгаллаш йўллари кўрсатилган.

Ҳозирги кунда “оммавий маданият” ўзининг кўринишлари, йўналишлари ва ёшлар онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга. “Оммавий маданият”нинг ёшлар онги, уларнинг дунёқарашига кўрсатадиган салбий таъсирини бартараф этувчи энг кучли қурол – аждодларимиз меросида ўз ифодасини топган миллий ғоя, кадриятлардир.

Диссертацияда талаба-ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатаётган “оммавий маданият”нинг кўринишлари ҳамда шакллари санаб кўрсатилади ва

ҳар бири изоҳланади. Муаммога оид адабиётлар таҳлили асосида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик иммунитетини шакллантиришда таълим-тарбиянинг самарали метод ва воситаларини тўғри танлаш, уларда мустақил ва таҳлилий фикрлаш малакаларини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида аждоодларимиз меросидаги ҳаётбахш ғоялардан самарали фойдаланиш, глобал тармоқлар орқали тарқатилаётган ахборотлардан саралаб фойдаланишга ўргатиш, спорт билан шуғулланиш, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, бўш вақтини тўғри ташкил қилиш ва яна бир қатор ишларни амалга ошириш зарурлиги мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилади.

Диссертациянинг **“Талабаларда аждоодларимиз мероси воситасида “оммавий маданият” хуружларига қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш ижтимоий-маънавий, педагогик зарурият сифатида”** номли иккинчи бобда талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмаларини шакллантиришда тасаввуф илми ва нақшбандия тариқати ғояларининг, халқ педагогикаси дурдоналарининг педагогик имкониятлари, махсус курсларнинг зарурати, талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш методи, восита ва усуллари ёритиб берилган.

Тасаввуф таълимоти намояндалари ўз асарларида комилликка интилиш масаласини чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Улар ёшларни вақтнинг қадрига етиш, ҳар доим огоҳ бўлишга ундаганлар. Тасаввуф таълимоти намояндалари ҳар бир инсон ҳирс, бахиллик, ҳасад, гина, зулм, адоват каби иллатлардан фориғ бўлиши, ҳаётга ибрат назари билан қараши, яхши инсонларга эргашиши лозимлигини уқтирганлар. Улар қалбни соф тутмоқ, туғма заифлик ва нохуш ахлоқлардан фориғ бўлиб, ҳайвоний ва нафсоний туйғулар устидан ғалаба қилиш ғояларини илгари сурганлар. Тасаввуф таълимотининг етакчи ғоялари бугунги кунда талабаларни ҳаётга муҳаббат, атрофдагиларга нисбатан меҳр-мурувватли, иймон-эътиқодли, ғамхўр, меҳнатсевар, ватанпарвар, ёт ғояларга қарши курашувчан, огоҳ ва ҳушёр қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Аждоодларимиз меросларидан нақшбандия тариқатида тасаввуф таълимотидаги ғоялар давом эттирилиб, ёлғончилик, зино, ҳаромхўрлик каби иллатлар қораланади, ёмон одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслик, қаноатли бўлиш, меъёрни билишга ундаш ғоялари устувор ўрин эгаллайди. Жумладан, Хожа Аҳрор Валий қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатади: “Дунёнинг ҳаммаси ортиқчадир, магар беш нарсаси (ортиқча эмас). Жонни сақлаб турадиган нон, ташналикни кеткизадиган сув, сатри аврат бўладиган либос, амал қилинадиган илм, унда яшайдиган маскан”. Мазкур таълимот намояндаларининг фикрларига кўра, инсон ўз-ўзини бошқара олиши, кучли ирода эгаси бўлиши, ёмон таъсирларга берилмаслиги ва дунёвий билимларни эгаллаши лозим. Улар инсонлардаги меҳнатсеварлик, ундан роҳатланиш каби ижобий фазилатларни улуғлаганлар. Мазкур ғоялар Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба кор” (“Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”) шиорида ўз аксини топган. Нақшбандия тариқати намояндалари ёш авлоднинг баркамол шахс бўлиб етишишида устоз ва шогирд муносабатларига алоҳида

эътибор қаратганлар. Улар толибларни устозларига эргашиш, улардан илм-фан сирлари ва эзгу ишларни кунт билан ўрганишга даъват этганлар. Нақшбандия тариқати намояндаларининг ҳаётбахш ғояларини чуқур илмий таҳлил қилган ҳолда талабаларга тушунтириш, улар онгига етказиш, шу орқали уларда ёт ғояларга қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда тарихий меросимизнинг таркибий қисми бўлган халқ педагогикасининг, анъана ва урф-одатларининг ўрни бекиёсдир. Халқ педагогикаси намуналари бўлмиш мақол, ривоят, дoston, кўшиқларда меҳнатсеварлик, она-ватанни севиш, ватанга содиқ фарзанд бўлиш, уни душманлардан кўриқлаш, ваъдага вафо, ўзаро ҳурмат, мол-дунёга берилмаслик, ҳалоллик каби ғоялар алоҳида ўрин тутди. Бу ғоялар ёшлар онгига ўз вақтида ва тизимли сингдирилиб борилса, ёт ғоялар учун ўрин қолмайди. Ёш авлодни тарбиялашда неча асрлардан бери қўлланиб келинган усул, восита, анъана, урф-одат ва тарбия ҳақидаги ғояларнинг барчаси ўзбек халқ педагогикасида мужассамлашгандир. Уларни чуқур ўрганиш, халқ педагогикасидаги тарбия усуллари ва воситаларини тадқиқ қилиш ҳозирги кунда тарбия ишлари самарадорлигини оширишга, талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда яқиндан ёрдам беради.

Психолог олимларнинг таъкидлашларича, талабалик даври ўспиринликнинг 2-босқичи бўлиб, 17-25 ёшни ўз ичига олади. Бу давр ўзига хос бир қатор хусусиятлари билан характерланади. Мазкур даврда айрим талабаларда ўзига хос руҳий инқироз ёки танглик кузатилади. Натижада уларда “оммавий маданият” таъсирига мойиллик кучаяди.

Манбалар таҳлили натижасида талабаларни “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик руҳида тарбиялашда қуйидаги омилларга амал қилиш лозим, деган хулосага келдик:

1. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Мақсад тарбия усуллари танлашга хизмат қилади. Бу шундан далолат берадики, талабаларни маънавий-маданий юксалтириш мақсадлари бу жараёнда фойдаланиладиган усуллари тўғри танлашга хизмат қилади.

2. Талабаларда “оммавий маданият” хуружларига қарши курашувчанликни шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий жараёнларнинг мазмуни аждодларимиз, буюк мутафаккирларнинг бебаҳо мерослари, халқ анъаналари, урф-одатлари, маросимларини қамраб олиши керак. Чунки “оммавий маданият” тарғиботчилари ёшлар онгини забт этиш учун биринчи навбатда уларни ўз маънавий илдизлари, тил бойликларидан йироқлаштиришга ҳаракат қиладилар.

3. Талабаларда ёт ғояларга қарши иммунитетни шакллантиришда уларнинг ёш хусусиятларини ҳам алоҳида ҳисобга олиш керак. Айни бир хил вазифалар талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли йўллар ва усуллар ёрдамида ҳал қилинади.

4. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда уларнинг индивидуал ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Инсонпарварлик тамойилига асосланган олий таълим жараёнида ҳар бир талаба шахсига индивидуал ёндашиш зарур ҳисобланади.

5. Талабаларда “оммавий маданият” хуружларига қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбиявий жараённинг шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунга аجدодларимиз мероси билан танишиш мақсадида манбалар устида ишлаш, тарихий қадамжоларга зиёрат уюштириш, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини ўрганиш, тўплаш, таҳлил қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини англаштиришга хизмат қиладиган тадбирларни уюштириш кабилар киреди.

6. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда ўзига хос педагогик воситаларни танлаш ва улардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар тасаввуф таълимоти ва нашқбандия тариқати ғояларини ўз ичига олган манбалар, тарихий романлар, аждодларимизнинг асарлари, турли қадамжолар ҳақида ҳикоя қилувчи манбалар, республикамиздаги ҳар бир вилоятда яшовчи халқнинг ўзига хос урф-одатлари, миллий кийимлари, таомлари, меҳмон кутиш одоби, тўй маросимлари, мазкур ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилувчи кинофильмлар, сахна асарлари, бадиий асарлар, миниатюралар, иллюстрациялар, музейлардаги экспонатлар, халқ хунармандчилиги маҳсулотлари кабилардан иборат.

Талабаларда “оммавий маданият” хуружларига қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш жараёнида аждодларимиз мероси ва халқ педагогикаси имкониятларидан самарали фойдаланиш икки хил шаклда: аудитория ва аудиториядан ташқари жараёнда амалга оширилади. Мазкур мақсадга йўналтирилган педагогик жараёнларда қуйидагиларга эътибор бериш лозимлиги аниқланди:

1. Маърузалар, амалий машғулотлар мазмунини бойитишда аждодларимизнинг шахсни ахлоқий, маънавий, маданий юксалтиришга хизмат қиладиган қарашлари, халқ анъаналари, урф-одатлари акс эттирилган манбалардан унумли фойдаланиш.

2. Талабаларни ўйлаш, мушоҳада юритишга ундовчи фикрлар, ҳикматлар, ҳадислардан унумли фойдаланиш.

3. Маърузаларда профессор-ўқитувчиларнинг “оммавий маданият”га оид дунёқарашлари, унинг мазмун-моҳиятини англаганлик даражаларининг тўлиқ акс этганлиги.

4. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга қаратилган маърузаларнинг савияси ғоявий юксак, тизимли, изчил бўлишига эришилиши.

5. Маъруза ўқиётган профессор-ўқитувчининг нутқи, хатти-ҳаракатлари, ташқи кўриниши, дунёқараши, миллий онги, миллий маънавият ва маданият талабларига жавоб бериши, шахслараро муносабат қоидаларига амал қилиши.

6. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш жараёни жонли мулоқот, диалог, яккама-якка ва гуруҳли фаолият асосида ташкил этилиши.

7. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда профессор-ўқитувчилар инновацион усуллар билан бир қаторда, синалган воситалар ва усуллардан фойдаланишлари, ўз шахсий нуқтаи назарларини баён қилишлари, талабалар билан жонли мулоқотга киришишлари, уларнинг баҳс-мунозарага киришишлари учун шароит яратишлари лозим.

Илмий тадқиқот мақсадини амалга оширишда юқорида кўрсатиб ўтилган талаблар ва умумпедагогик тамойилларни ҳисобга олган ҳолда махсус курс лойиҳаси яратилди. Ушбу курс жами 34 соатга мўлжалланган бўлиб, ундан 10 соати маъруза, 12 соати амалий машғулот, 12 соати мустақил иш(такдимот)га ажратилади (1-жадвал).

1- жадвал.


“Аждодларимиз меросини асосида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш” бўйича махсус курс лойиҳасининг ўқув-мавзуй режаси

№	Мавзулар	Таълим шакли ва ажратилган соатлар		
		Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил иш
1	Оммавий маданият, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари. “Оммавий маданият”нинг мақсади, кўринишлари, ёшлар онгига таъсир этувчи руҳий воситалари. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришнинг зарурати.	2	-	-
2	Буюк мутафаккирлар мероси ва халқ педагогикаси ғояларининг шахс маънавий-маданиятини шакллантиришдаги ўрни. Тасаввуф таълимотида маърифатли бўлиш, ўзини ўзи тарбиялаш, сабр қилиш ва нафсни жиловлаш, меҳнатсеварлик ғояларининг ёритилиши ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни.	2	2	-
3	Нақшбандия таълимоти, унда илгари сурилган ғоялар. Нақшбандия таълимотида ҳалоллик ва устоз-шогирд масаласининг ёритилиши	2	2	-
4	Нақшбандия тариқатидаги хуш дар дам, назар бар кадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёдқард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт, вуқуфи ададий каби қондаларнинг мазмуни ва моҳияти	2	2	2
5	Халқ оғзаки ижоди намуналарида шахс ахлоқи, маънавий-маданиятига оид ғояларнинг фойдаланиши (халқ кўшиқлари, мақол, ривоят ва дostonлар асосида).	-	2	2
6	Ўзбек халқ миллий анъаналари, уларнинг турлари. Ўзбек халқ миллий анъаналаридан тарбия жараёнида фойдаланиш.	2	2	2
7	“Халқ педагогикаси манбаларида тарбия метод, усул ва воситаларининг ёритилиши, уларнинг “оммавий маданият”га қарши курашишдаги ўрни” мавзусида маъруза тайёрлаш.	-	-	2
8	“Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш омиллари” мавзусида такдимот, буклет ва альбом тайёрлаш	-	-	2
9	Мутафаккирларимизнинг асарлари, дoston ва ривоятлардан парчалар ёдлаш, сахна кўринишлари тайёрлаш. “Мен яшаётган Ватан-буюк мутафаккирлар юрти” мавзусида ижодий иш тайёрлаш.	-	2	2
Жами		10	12	12

Амалий машғулотларда ҳар бир талабанинг мавзулар бўйича берилган саволларга жавоблари, тайёрлаган маърузалари тингланади, ижодий ишлари (жадваллар, альбомлар, буклетлар) текширилади. Талабаларнинг назарий билимлари турли вазиятли кейслар, лойиҳалар, курс иши ва битирув малакавий ишлар ёзиш орқали такомиллаштирилади.

Аудиториядан ташқари жараёнда эса педагоглар, жамоат арбоблари, ёшлар иттифоқи аъзолари, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги

йўлга қўйиш лозимлиги аниқланди. Амалга оширилган ишлар натижасида ҳамкорликдаги муассасалар фаолиятини интеграциялаш тизими такомиллаштирилди.(1-расм).



1-расм. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанликни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели.

Диссертациянинг “Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик қўникмасини шакллантиришда аждодларимиз меросидан фойдаланиш жараёнининг самарадорлик даражаси” деб номланган учинчи

бобида аждодларимиз мероси ва халқ педагогикаси воситасида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда аждодларимиз мероси: тасаввуф илми, нақшбандия тариқати ва халқ педагогикаси дурдоналари қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан тадқиқотимизнинг муҳим вазифаларидан бири, бугунги кунда талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмалари қай даражада шаклланганлигининг мавжуд ҳолатини аниқлашдан иборатдир. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилди: талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмалари қай даражада шаклланганлигининг мавжуд ҳолатини аниқлаш ва уларни педагогик жиҳатдан тавсифлаш, “оммавий маданият” ҳақидаги тасавурларини ойдинлаштириш, маънавий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари сифатида ўз-ўзларини такомиллаштиришга тайёрлик даражаларини кўрсатиш; олий таълим тизимида ўқитиладиган педагогик фанларнинг ДТС, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанликни, маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжларини шакллантиришдаги имкониятларини таҳлил қилиш, уларни тасаввуф илми, нақшбандия тариқати ва халқ педагогикаси намуналари асосида “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга маънавий йўналтириш.

